

2018 йил “ 15 “ апрел № 015 X

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**“Хонқа пахта тозалаш” АЖ га**

Аудиторлик ташкилотининг почта манзили: Тошкент шаҳар Алиев кўчаси 72-уй, info@uhy-uz.com  
Барча хўжалик юритувчи субъектларда  
аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқини  
берувчи лицензия номери: № 00596. Ўз.Р АВ томонидан 20 феврал 2008 йилда берилган  
Давлат рўйхатидан ўтганлиги  
тўғрисида гувоҳнома: № 243. Ўз.Р АВ томонидан 9 январ 2013 йилда берилган  
Банк реквизитлари: Х/Р 20 208 000 704 336 155 001 АИКБ “Ипак йўли” Сағбон  
филиали. МФО 01036, ИНН 205 082 658, ОКЭД 69 202  
Каримов Сарвархон Эсонович.

Аудиторлик ташкilotи раҳбари:

Мен, “UHY Tashkent” Аудиторлик ташкilotи аудитори Х.. Р. Ибрагимов (Ўз. Р АВ томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05428-сонли малака сертификатига эга) томонидан 2018 йил 20 февралда тузилган 7-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект “Хонқа пахта тозалаш” АЖ нинг 2017 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботининг (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи) ишончлилиги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига муқофиф молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкilotининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкilotининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Хонқа пахта тозалаш” АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текшируаини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказиўни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча “Хонқа пахта тозалаш” АЖ нинг 2017 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкilotи директори :

Каримов С. Э.

Аудитор :

Ибрагимов Х. Р.